
Марғилон шаҳрида Мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйига муносиб тухфа сифатида "Жажживойлар салтанати" ва "Қувноқ болалар" номли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият бошлади

Хусусий тадбиркорлар Хислатхон Қурбонова ҳамда Шоирахон Махсудовалар ташаббуси билан ташкил этилган ушбу таълим ташкилотларининг тантанали очилиш маросимида шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари, Мактабгача таълим бўлими мудирлари Ҳ. Қурбанова ҳамда бир гуруҳ нуронийлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган меҳмонлар томонидан мазкур ташкилотда болажонларга ўз она тилларидан ташқари рус ва инглиз тиллари ҳам чуқурлаштирилган тартибда ўргатилиши алоҳида эътироф этилди.

Маросим давомида болажонлар ижросидаги куй ва қўшиқлар жаранги йиғилганларга кўнглига хушнудлик улашди.

Шунингдек, муассаса очилишида жам бўлган маҳалла фуқароларига шаҳар Мактабгача таълим бўлими томонидан оилавий ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти ташкил этишнинг афзалликлари, бу борада давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳамда бериладиган имтиёзлар хусусида батафсил маълумот берилди.

2021-08-16 14:09:27